O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM
VAZIRLIGI HUZURIDAGI
“MA’NAVIYAT VA MA’RIFAT”
MARKAZI

100095, Toshkent shahar, Talabalar shaharchasi, Talabalar ko’chasi, 70
Telefon: (998-71) 246-95-43 Faks: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz

“SPIRITUALITY AND EDUCATIONAL”
CENTRE UNDER THE HIGH AND
SECONDARY MINISTRY OF
EDUCATION THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100095,Tashkent city,Talabalar city,Street Talabalar,70
Phone:(998-71) 246-95-43 Fax: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz

_______________ №________________

**Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига**

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2018/2019-ўқув йилининг тўқизинчи ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан мазкур ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини “**Буюк юртнинг бахтиёр фазандлари**” мавзусида юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

(Машғулотлар вазирликнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 87-02-2527-сонли хати орқали тақдим этилган “Ахборот ва мураббийлик соати сабоқлари” номли услубий қўлланмага мувофиқ равишда ташкиллаштирилиши лозим).

Илова: бет.

**Ҳурмат билан,**

**“Маънавият ва маърифат” маркази директори** **О.А.Худайназаров**

Ижрочи: И.Чориев, markaz.mtg@edu.uz
Тел.: 246-95-43

*Марказнинг 2018 йил “____” октябрдаги*
*_____________-сонли хатига илова*

**“Буюк юртнинг бахтиёр фазандлари” ҳафталиги “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 1-босқичи материаллари.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

**http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-onuni-23-10-2018**

### ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

**http://www.uza.uz/oz/documents/elektr-energetikasi-tarmo-ini-zhadal-rivozhlantirish-va-moli-24-10-2018**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони**

**http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-ichki-adshlar-idoralari-khodimlari-kun-24-10-2018**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИМЁ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

**http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasida-kimye-sanoatini-zhadal-rivozhlantir-25-10-2018**

***Эслатма:** *Мазкур ҳафтада ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 2-босқичи – Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар, иқтидорли ва истеъдодли ёшларнинг илм ва спорт соҳаларда қўлга киритаётган ёшлар ҳақида суҳбатлашилади.*

*Ҳафталикнинг 3-босқичида талаба-ёшларга мардлик фазилати ҳақида тушунча берилади, 4-босқичда – талабаларнинг қайси босқичдалигига қараб ойнинг бошида берилган китобларнинг бири ҳақида фикр-мулоҳаза юритилади.*

## ХОРИЖДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

**http://www.uza.uz/oz/documents/khorizhda-isti-omat-ilayetgan-vatandoshlar-bilan-amkorlik-so-25-10-2018**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ САВДО ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 октябрь куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари савдо вазири Уилбур Россни қабул қилди.

Давлат раҳбарларининг мунтазам учрашув ва мулоқотлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил май ойида АҚШга расмий ташрифи икки томонлама кўп қиррали муносабатларни янада юқори даражага кўтариб, стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берди.

АҚШ савдо вазирининг Ўзбекистонга илк ташрифи томонлар эришилган келишувлар ва имзоланган битимлар доирасида муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришдан ўзаро манфаатдор ва уларнинг бу борадаги интилиши муштарак эканидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, АҚШ етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари, илғор технологиялари ва тажрибасини жалб этган ҳолда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, банк-молия соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун катта салоҳият мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

АҚШнинг жаҳонга машҳур саноат холдинглари, молия-инвестиция корпорациялари ва банклари раҳбарлари ва вакиллари иштирокида ўтган Ўзбекистонда АҚШ бизнеси ҳафталиги тадбирларининг самарали натижалари чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда савдо, саноат ва юксак технологиялар, қишлоқ хўжалиги, логистика ва транспорт соҳаларида аниқ лойиҳа ва дастурларни рўёбга чиқаришда амалий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон бозорида Америка компанияларининг фаолиятини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратишга, жумладан, қўшма лойиҳаларни молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Марказий Осиёда савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш хусусида фикр алмашилди.

АҚШ савдо вазири давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Шу билан бирга, Уилбур Росс АҚШ Президенти Дональд Трампнинг геосиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликка доир барча масалаларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга юксак ишонч изҳор этилган сўзларини етказди. Бундан ташқари, Дональд Трамп Президентимиз томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Уилбур Росс мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳамда АҚШ бизнесида катта қизиқиш уйғотаётган, унинг Ўзбекистонда фаолият юритиши учун янги имкониятлар очаётган ислоҳотлар суръати ва миқёсини юқори баҳолади.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида барча имкониятларни ишга солишга тайёрлик билдирилди.

## 2021 ЙИЛГАЧА 100 ФОИЗ АБОНЕНТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИГА УЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги “Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Қарорга мувофиқ, 2018-2020 йилларда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, электр тармоқларини модернизация қилиш, электр энергияси ҳисоби ва истеъмолини назорат қилишни такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Йўл харитасига асосан:

- қиймати 2,6 миллиард АҚШ доллари бўлган умумий қуввати 1 984 МВт.га тенг 7 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилади;
- йилига умумий узунлиги 7,1 минг километр бўлган янги электр тармоқлари қурилади ва мавжудлари реконструкция қилинади, 2 500 та трансформатор пунктлари ўрнатилади ва модернизация қилинади;
- Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига 7 миллион истеъмолчи уланади, 2021 йил якунига қадар ушбу тизимга уланиш қамрови абонентлар умумий сонининг 100 фоизигача етказилади.

“Обод қишлоқ” Давлат дастурини амалга ошириш учун жалб қилинган халқаро молия институтлари қарз маблағларининг 100 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган қисми паст кучланишли электр тармоқларини қуриш ва модернизация қилишга йўналтирилади.

## ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТ УЧУН ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Кейинги йилларда олий таълимни янги босқичга кўтаришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Замонавий таълим стандартлари, талабаликка қабул қилишнинг шаффоф тизими жорий этилди. 2018 йилда умумий қабул квоталари ўтган йилга нисбатан 30 фоиз ошди.

Президент қарорлари билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда олий таълим муассасаларини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш бўйича дастурлар профессор-ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Жорий йилда мамлакатимизда жами 13 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, Самарқандда "Ипак йўли" туризм халқаро университети, Россия Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети"нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали, Тошкент шаҳрида Жанубий Кореянинг Пучон университети фаолият бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 сентябрдаги фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Эл-юрт умиди" жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғарма чет элларда фаолият кўрсатаётган салоҳиятли ватандош олимлар, мутахассислар ва экспертларни Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга фаол жалб этишга, шунингдек, иқтидорли ёшларнинг ривожланган мамлакатларда таълим олиши, етакчи халқаро институтлар ва хорижий ташкилотларда малака оширишига кўмаклашади.

Жорий йилда илк бор халқаро тажрибалар асосида олий таълим муассасаларининг миллий рейтинги яратилди, таълим ва илмий-тадқиқот жараёнлари таҳлил қилинди. Мазкур таҳлил соҳада қатор муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатди.

Хусусан, олий таълим муассасалари қабул квотаси қамрови умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига нисбатан 7-9 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Россияда 74, Корея Республикасида 96 фоиздир.

Йиғилишда олий таълим муассасаларининг нуфузи, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти халқаро илмий ҳамжамиятда муносиб ўринга эга эмаслиги қайд этилди. Таълим жараёнига дунёда тан олинган фан арбоблари, юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш яхши йўлга қўйилмагани танқид қилинди.

Ректор ва проректорларни тайинлашда профессор-ўқитувчиларнинг фикри ўрганилмаётгани оқибатида янги тайинланган раҳбарнинг жамоа билан ишлаш самарадорлиги етарлича бўлмаяпти.

Илм-фанни ривожлантириш, тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш, илмий фаолият натижадорлигини ошириш, иқтидорли талабалар илмий изланишлар олиб бориши учун зарур шароитлар яратилмаган.

Таълим жараёнига инновацион методикаларни жорий этиш, ўқув дастурларини ишлаб чиқариш билан ҳамоҳанглигини таъминлаш ва энг асосийси, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ишлари умуман қониқарсиз аҳволда.

Олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш, уларни аттестациядан ўтказиб, аккредитациялаш, ҳужжатларни нострификация қилиш тартиблари бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди.

– Иқтисодиёт шиддат билан ривожланаётган бир пайтда олий таълим тизими тараққиётнинг локомотиви бўлиш ўрнига, замон билан ҳамқадам бўлмаётгани ачинарлидир. Меҳнат бозоридаги таркибий ўзгаришларга жавоб берадиган, ёшларимизга касб-ҳунар ўргатадиган, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантирадиган тизим йўқ десак, бу ҳам аччиқ ҳақиқат, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис соҳадаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажариш юзасидан топшириқлар берилди.

Талабалар қабулининг соддалашган тизимини жорий этиш орқали қабул жараёнини квота тизимидан давлат буюртмаси ва табақалашган тўлов-контракт тизимига ўтказиш зарурлиги таъкидланди. Олий таълим муассасаларининг халқаро нуфузини ошириш, педагог кадрларнинг илмий-педагогик фаолиятини муносиб рағбатлантириш мақсадида марказлашган молиялаштиришдан ўз-ўзини молиялаштириш ва иқтисодий мустақил тизимга ўтиш вазифаси қўйилди.

Ректорлар ва проректорларни тайинлашни соддалаштириш, профессор-ўқитувчилар фаолиятини доимий баҳолаш, манзилли рағбатлантириш, масъулият ва жавобгарлигини ошириш тизимини яратиш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ректорлар кенгаши фаолиятини ҳам тубдан такомиллаштириш вақти келгани таъкидланди. Ректорлар малакасини баҳолаш, бунда уларнинг маънавий-маърифий ва илмий салоҳиятига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари таълимдаги энг асосий вазифа талабалар билимини баҳолаш, ўқув дастурлари ҳамда мавжуд таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришдан иборат эканини таъкидлади.

Хорижда таҳсил олаётган ёшларнинг Ватанимизга қайтиб келишига шароит яратиш мақсадида хорижий олий таълим муассасалари дипломларини тан олиш ва нострификация қилиш тартибини янада соддалаштириш, олий таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда Ўзбекистон – Россия таълим форуми натижаларига ҳам эътибор қаратилди.

Маълумки, ушбу форум якунида россиялик ҳамкорлар билан таълим ва илмий фаолиятга оид 114 та шартнома ва битимлар имзоланган. Жумладан, Ўзбекистонда Россиянинг 6 та нуфузли олий таълим муассасаси филиали ва 2 та факультет очилиши, 52 та қўшма таълим дастури жорий этилиши назарда тутилган. Ҳар бир келишув бўйича “йўл харита”лари ишлаб чиқилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур “йўл харита”ларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Ҳар бир филиал, факультет ва қўшма дастурлар бўйича тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни

сифатли ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалий ижросини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Ташкил этилаётган ушбу факультетларни филиалга айлантириш чораларини кўриш истиқболдаги вазифалардир.

Йиғилишда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган келишувлар асосида профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳиятини мустаҳкамлаш, малакасини ошириш, олий таълим тизимига илмий-технологик ишланмалар ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз келаси йил Россияда ўтадиган навбатдаги форумга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ҳозирдан аниқ режалар белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади.

## ТОШКЕНТ БАРЧА СОҲАЛАРДА НАМУНА БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни Тошкент шаҳри Юнусобод туманига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, истиқболдаги режалар билан танишди.

Тошкент шаҳрининг 2018-2019 йиллардаги инвестиция салоҳиятига оид маълумотларга кўра, икки йилда пойтахтимизда 417 та лойиҳани амалга ошириш ва бунинг натижасида 25 мингдан зиёд иш ўрни яратиш режалаштирилган. Уларнинг 264 таси саноат, 153 таси хизмат кўрсатиш соҳасига тегишлидир. Жорий йилнинг 9 ойида жами лойиҳалар учун 257,5 миллион доллар ҳажмдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган.

2019 йилда 1 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига 181 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш мўлжалланган. Жумладан, Юнусобод туманида 38 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг иқтисодий имкониятлари кенглиги, пойтахтимиз барча соҳада намуна бўлиши кераклигини таъкидлади. Лойиҳаларнинг кафолати, самаралари билан қизиқди. Мутасаддиларга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажмини янада ошириш, янги корхоналар ташкил этиш ва солиқ тушумини кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Президентимиз Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг иккинчи босқич қурилишини кўздан кечирди.

Тошкент шаҳрида аҳоли учун қулай шароит яратиш, сифатли транспорт хизматлари кўрсатиш қамровини кенгайтириш ва метрополитен хизматини янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг иккинчи босқичи қурилиши қизғин давом этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 9 февраль куни Юнусобод туманида бўлиб, метрополитен қурилиши билан танишган эди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда бунёдкорлик ишларининг боришини кўздан кечирди, қурувчилар билан мулоқотда бўлди.

Тошкент метрополитени 40 йилдан кўпроқ тарихга эга. Метрополитен йўловчи ташишда қулайлик ва хавфсизлик нуқтаи назаридан энг самарали транспорт воситаси ҳисобланади.

Юнусобод йўналишида қурилаётган метро участкасининг узунлиги 2,9 километр бўлиб, 2019 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган. "Туркистон" ва "Юнусобод" янги метро бекатларидан иборат.

Энг асосий масала пойтахтимиз кўчаларидаги тирбандликнинг олдини олиш. Бунда метро энг қулай воситадир, деди Шавкат Мирзиёев. Бунёдкорлик ишлари бундан кейин ҳам тизимли давом эттирилади.

Айни пайтда ушбу бекатлар ҳамда улар оралиғида туннель қазиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу туннелни ёпиқ усулда қазиш учун Германиядан "Herrenknecht" компаниясининг механизациялашган мажмуаси келтирилди. Бу улкан техника май-сентябрь ойлари давомида йиғилди. Соҳа мутахассислари Германияда малака ошириб қайтди. "Кўприк қурилиш тресті" унитар корхонаси томонидан туннель деворларини мустаҳкамловчи тюбинглар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

Мажмуа бир суткада 12 метр қазиш ва 8 та халқа ўрнатиш имкониятига эга. Бугунги кунгача 350 та халқага етарли конструкциялар захираси яратилган.

Президентимиз ушбу мажмуани кўздан кечирди. Мутасаддиларга метро бекатларининг кўриниши ва инфратузилмаси бўйича тавсиялар берди.

Транспорт коммуникацияларини қуришда шаҳарнинг келгуси ривожини ҳисобга олиш, ҳамма учун қулай бўлишини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари жойларга ташрифи чоғида ёш авлод тарбиясининг бирламчи ва муҳим бўғини сифатида мактабгача таълим тизимини юксалтириш, боғчаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни моҳир педагоглар билан таъминлаш, болаларни мактабга сифатли тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш борасида Юнусобод туманида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Боғишамол маҳалласида жойлашган "Севинч" номли 74-мактабгача таълим муассасаси болалар учун ҳақиқий орзулар масканига айланди. Муассаса жорий йилда тубдан таъмирланиб, Президентимиз ташрифи арафасида фойдаланишга топширилди.

275 ўринли муассаса инновацион технологиялар асосида жиҳозланган ва мамлакатимиздаги илк "ақлли боғча" ҳисобланади. Бу ерда болалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида назорат ускунаси, ҳар бир хонага домофон ўрнатилган. Ота-оналар фарзанди қайси гуруҳда бўлса, шу хонани боғловчи тугмани босгандан сўнг тарбиячи болани олиб чиқиб беради. Бинога кираверишда қўйилган таблодан боланинг ўз гуруҳига кирганини кўриш, гуруҳлардаги машғулотларни онлайн кузатиш мумкин.

Зина ва хоналарга ишланган рангли белгилар, тафаккурга ундовчи расмлар болаларни ранг билиш, санашга ўргатади. Йўл кўрсатувчи рангли чизиқлар орқали кичкинтойлар ўз гуруҳини қийналмасдан топиб боради.

Машғулот хоналарида “Илк қадам” дастури асосида ишлаб чиқилган мультимедиа тажриба-синов дастурига эга мониторлар ўрнатилган. Бу дастурдаги турли соҳаларга оид суратлар, интерфаол ўйинлар ёрдамида болаларнинг билим ва кўникмаси шакллантирилади.

Адлия вазирлиги буюртмаси асосида “Sotol systems” компаниясида ишлаб чиқилган ушбу дастур онлайн тарзда ишлайди. Уни ота-оналар ҳам уяли телефонига юклаб олиб, уйда телевизор орқали фарзандларини шуғуллантириши мумкин.

Давлатимиз раҳбари боғчада яратилган шароитлар билан танишди, тарбиячилар билан мулоқот қилди.

Болаларимизнинг маънавияти, билими, соғлиғи биз учун энг муҳим масала. Шунинг учун давлат томонидан мактабгача таълимга катта эътибор бериляпти ва бу ҳали бошланиши. Сизларнинг вазифангиз болаларнинг кўзидаги нурни илғаб олиш, уларга яхши тарбия бериш, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларининг ҳолати ва уларни ривожлантиришга оид лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Президентимиз бу борадаги таклифларни маъқуллаб, давлат-хусусий шериклик асосида янги боғчалар қуриш, болаларни қамраб олишни кенгайтириш ва келгусида юз фоизга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Жанубий Кореянинг Пучон университети раҳбарлари билан видеоконференция орқали мулоқот қилинди.

Президентимиз боғча тарбияланувчиларига совғалар берди.

Шавкат Мирзиёев “Business city – “Юнусобод” замонавий ишбилармонлик маркази лойиҳаси билан танишди.

Пойтахтимиз улкан бунёдкорлик лойиҳалари эвазига кун сайин гўзал қиёфа касб этиб бормоқда. Янги-янги аҳоли массивлари, муҳташам кўприклар, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа иншоотлар шаҳарни нафақат архитектуравий жиҳатдан, балки яшаш ва дам олиш, бизнес юритиш шароитларига кўра қулай мегаполисга айлантирмоқда.

Узоққа бормайлик, шаҳарнинг қоқ марказида қад ростлаётган “Toshkent City” халқаро ишбилармонлик маркази қурилиш бобидаги тасаввурларимизни бутунлай ўзгартириб юборди. Бу ерда замонавий технологиялар ва меъморлик андозалари асосида тикланаётган осмонўпар иморатлар Тошкентга дунёнинг шаҳарсозлик соҳасидаги диққатга сазовор марказларидан бири мақомини олиш имконини беради.

Тараққиётнинг бугунги суръатлари, аҳолининг яхши яшашга бўлган эҳтиёжи, жаҳондаги ўзгаришлар кўламини ҳисобга олган ҳолда пойтахтимизда бир нечта замонавий ишбилармонлик марказлари қад ростламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 августдаги Республика ҳудудларида “Business city” замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Юнусобод туманининг Отчопар – 2 маҳалласи ҳудудида қуриладиган “Business city” – “Юнусобод” замонавий ишбилармонлик маркази уларнинг навбатдагиси бўлади.

Ушбу замонавий ишбилармонлик марказидан кўп қаватли турар жой мажмуалари, бизнес-офислар, савдо-кўнгилочар масканлар, меҳмонхоналардан иборат кўп тармоқли мажмуалар, сайлгоҳлар, ижтимоий объектлар, тиббий-соғломлаштириш марказлари ўрин олади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳанинг қиймати 500 миллион доллар бўлиб, 2019-2023 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари янги ишбилармонлик маркази қурилишида рельефдан оқилона фойдаланиш, дунё шаҳарлари тажрибасини ўрганиш зарурлигини қайд этди. Уни барпо этишга хорижий инвесторлар, тажрибали лойиҳачи ва қурувчиларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйларни бошқариш бўйича таклифлар тақдимоти ўтказилди. У профессионал сервис компаниялари ташкил этиш орқали кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган.

Президентимиз туманда ушбу тизимни жорий мавсумдаёқ татбиқ этиш, ҳар бир кўп қаватли уйнинг эгасини топиб, уларга имтиёзлар бериш зарурлигини таъкидлади.

Инновацион, илмий ва ташкилий ишларни бирлаштириб, баравар олиб бормасак, бу соҳа эскича ҳолда қолаверади. Коммунал хизматлар хусусий корхоналар томонидан амалга оширилмаса, сифат бўлмайди. Сифат бўлмагандан кейин тўлов ҳам барқарор бўлмайди. Бу соҳада хизматни, ҳисоб-китобни жойига қўйсак, вазият ўзгаради, одамлар рози бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари “Амилов” қандолат маҳсулотлари фабрикаси фаолияти билан танишди.

Собиқ “Лок-бўёқ” заводи ўрнида ташкил этилган “Амилов” фабрикаси жорий йил 5 октябрда ишга туширилди. Корхона майдони 32 гектар бўлиб, қурилиш-монтаж ишлари, ишлаб чиқариш ускуналари учун қарийб 80 миллион доллар сарфланди. Германия, Швейцария, Дания, Италия, Австрия ва Голландиядан технологиялар келтириб ўрнатилди. Натижада 850 га яқин иш ўрни яратилди.

Корхона йилига 50 минг тоннага яқин қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугунги кунда бу ерда шоколад, конфет, печенье, вафли каби 60 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Бундай ширинликлар шу пайтгача асосан импорт қилинарди. “Амилов” фабрикасида тайёрланаётган қандолат маҳсулотлари чет элникига нисбатан арзон ва сифатли бўлгани боис ички бозорда тез харидорини топди. Натижада бундай маҳсулотлар импортини 40 фоиз қисқартиришга эришилди. Қолаверса, корхона йилига 10 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилишни режалаштирган.

Давлатимиз раҳбари фабриканинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш, бундай корхоналарни кўпайтириб, рақобатни ривожлантириш, импорт бўлаётган бошқа маҳсулотларни ҳам маҳаллийлаштириш бўйича топшириқлар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Ўзэкспомарказ”да Тошкент шаҳри ва Юнусобод тумани ҳокимлари, мутасаддилар ва секторлар раҳбарлари, маҳалла раислари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Унда Юнусобод туманини иқтисодий ривожлантириш, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

2019 йилда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилиши мўлжалланган 38 та лойиҳанинг ҳар бири бўйича ташаббускорлар ва манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда “йўл харита”лари ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Хатловда аниқланган 332 та фойдаланилмаётган объект ва ер майдонларида янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, бюджетга тушумларни кўпайтириш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ижтимоий долзарб масалаларни ҳал қилиш, уй-жой фондини ривожлантириш, коммунал хизматларни яхшилаш, объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.